

АЛИШЕР НАВОИЙ ДАВРИДАГИ ШАРҚИЙ ВА ҒАРБИЙ ТУРКИЙ ТИЛЛАР Рустамжон Мадиевич ДЖАББОРОВ

Самарқанд, Ўзбекистон. Самарқанд давлат университети
Тадқиқотчи

ВОСТОЧНЫЕ И ЗАПАДНЫЕ ТЮРКСКИЕ ЯЗЫКИ ЭПОХИ АЛИШЕРА НАВОИ Рустамжон Мадиевич ДЖАББОРОВ

Самарканд, Узбекистан. Самаркандский государственный университет
Исследователь

ASTERN AND WESTERN TURKIC LANGUAGES DURING THE TIME OF ALISHER NAVOI

Rustamjon Madiyevich DJABBOROV

Samarkand, Uzbekistan. Samarkand State University
Researcher r_jabborov1980@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.512.13: 811.512.16”14”

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Джабборов Р. М. Алишер Навоий давридаги шарқий ва ғарбий туркий тиллар// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 1(30). — Б. 22–32.
<https://doi.org/10.36078/1583732961>

Received: December 27, 2019

Accepted: February 10, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий яшаган давр адабий муҳитида қўлланган туркий тилларнинг таснифи ҳақида сўз боради. Бугун ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун албатта аждодларимиз яратган асарларнинг тили, услуби, уларнинг ўзига хос томонларини чуқур англаш керак. Ушбу мақола ҳам долзарб масалага — Алишер Навоий яшаган даврда кенг истеъмолда бўлган туркий тиллар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутларига бағишланади. Унда қайд этилишича, Навоий даврида барча туркий халқлар яшаган худудда асосан икки хил кўринишдаги туркий тил — ғарбий ва шарқий адабий тиллардан фойдаланилган. Алишер Навоий ўз ижодида фойдаланган тил бугунги кунда эски ўзбек тили, чигатоӣ туркчаси, шарқий туркий тил деб ҳам юритилади. Навоий ўзи бу тилни туркий тил деб номлаган. Навоий даврида ва ундан кейинги даврларда турклар ва туркманлар бир қатор манбаларда алоҳида ажратиб кўрсатилган. Навоийнинг ўзи ҳам туркий ва туркманий тилни ажратиб кўрсатади. Ўз даврида Навоийгача ва ундан кейинги даврларда Қорақўюнлилар, Оққўюнлилар, Сафавийлар, Усманийлар сингари Кавказ, Олд Осиё, Яқин Шарқ худудида ҳукм сурган давлатларда ғарбий туркий тил деб номланган ўғуз туркчаси амалда бўлган. Бироқ баъзида ўғуз туркчасида шеър битган шоирлар эски ўзбек тилида — шарқий туркий тилда ҳам Навоий ғазалларига назиралар битганлар. Алишер Навоийнинг ғазаллари Оққўюнлилар давлатида ўғуз туркчасига мослаштирилган ҳолда кўчирилган. Мазкур мақолада ана шу икки хил адабий тилнинг хусусиятлари, уларда ижод қилган муаллифлар, бу тилларнинг ўзаро таъсири, Навоий давридаги лингвистик қарашлар ва тушунчаларга ўша давр нуқтаи назаридан аниқлик киритилади. Муаллиф ўз фикрларини, нуқтаи назарини ишончли манбалар, далиллар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: Навоий; туркий халқлар; қорақўюнли; оққўюнли; ғарбий ва шарқий туркий тиллар.

Аннотация. В статье описываются тюркские языки, использовавшиеся в литературной среде эпохи Алишера Навои. Сегодня большое внимание уделяется изучению богатого культурного наследия узбекского народа. Для этого необходимо иметь глубокое понимание языка, стиля, особенностей произведений наших предков. Автор отмечает, что на территориях, где проживали тюркские народы во времена Алишера Навои, существовало в основном два типа тюркских литературных языков — западный и восточный. Язык, используемый Алишером Навои в своих работах, сегодня известен как древнеузбекский, чагатайский, восточно-тюркский. Сам Навои называл его тюркским. В те времена западно-тюркский, или огузский язык, использовался в регионах Кавказа, Малой Азии и Ближнего Востока, где правили тюркские династии Каракуюнлу, Аккуюнлу, Сефевиды, Османы. Иногда огузские поэты писали стихи на староузбекском языке, подражая Навои. Газели Алишера Навои были быстро адаптированы на огузском языке и переписаны. В данной статье рассматриваются особенности этих двух литературных языков, авторы, писавшие на них, взаимодействие этих языков, лингвистические взгляды и концепции эпохи Навои проясняются с точки зрения этого периода. Автор пытается обосновать свою точку зрения на основе достоверных источников и доказательств.

Ключевые слова: Навои; тюркские народы; Каракуюнлу; Аккуюнлу; западные и восточные тюркские языки.

Abstract. The article describes the classification of the Turkic languages used in the literary environment of the time of Alisher Navoi. Today, much attention is paid to the study of the rich cultural heritage of the Uzbek people. To do this, you need to have a deep understanding of the language, style, features of the works of our ancestors. The author notes that in the territories where the Turkic peoples lived during the Alisher Navoi period, there were mainly two types of Turkic languages - Western and Eastern Turkic. The language used by Alisher Navoi in his works is today known as Old Uzbek, Chagatai, East Turkic. Navoi himself called it Turkic. In those days, the Western Turkic silt Oguz language was practiced in the regions of the Caucasus, Asia Minor and the Middle East, where the Turkic dynasties Karakoyunlu, Akkoyunlu, Safavids, Osmanes ruled. Sometimes Oguz poets wrote poems in the Old Uzbek language, imitating the works of Navoi. During the period of Navoi and later Turks and Turkmens were identified in a number of sources. Navoi himself also distinguishes between "Turkic" and "Turkmen". The gazelles of Alisher Navoi were promptly adapted in the Oguz dialect and rewritten. This article discusses the features of these two literary languages, the authors who created them, their interactions, language views and concepts of the Navoi period from the point of view of that time. The author tries to substantiate his point of view on the basis of reliable sources and evidence.

Keywords: Navoi; Turkic peoples; Karakoyunlu; Akkoyunlu; Western and Eastern Turkic.

Кириш. Алишер Навоий ижоди ўз даврида фақат ўзи яшаган темурийлар давлати худудида эмас, балки ундан ташқарида, оққўюнлилар, усмонийлар давлатларида ҳам шуҳрат қозонган эди. Навоийнинг ҳали 30 ёшлик пайтидаёқ, қўшни оққўюнлилар давлати худудида унинг девони кўчирилган ва у бугунги кунда А. Эркинов томонидан ўзбек навоийшунослигига “Оққўюнли мухлислар девони” номи билан киритилган.

Бугунги кунда Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳридаги миллий кутубхонасида Turc Lib 68 инвентар рақами остида сақланаётган бу нодир

қўлёзма, тахминларга кўра, Шерозда, Оққўюнли шахзодаси Султон Халил саройида, котиб Абдуррахим Хоразмий томонидан 1471 йилда кўчирилган. Девонда ишлатилган хат тури Хиротда кенг тарқалган настаълиқ услубига жуда яқин. Қўлёзмадан хиротлик мусаввир Дарвиш Муҳаммадга нисбат берилган иккита миниатюра ҳам ўрин олган. “Оққўюнли мухлислар девони” ўзининг ихчамлиги (унда 223 та ғазал, 2 та мухаммас, 2 та мустаҳзод ва битта таржеъбанд мавжуд), шеърларнинг байт ва бандлари нисбатан қисқалиги билан ажралиб туради (11).

Асосий қисм. Девоннинг Алишер Навоийга тегишли бошқа қўлёзмалардан асосий фарқи унинг тили билан боғлиқ. Яъни, девондаги байтлар ўша даврдаги шарқий туркий тили — ўғуз туркчасига мослаштирилган. Навоий ғазалларидаги қарлук гуруҳига хос товушлар ва сўзлар ўғушлаштирилган. Масалан: *тош* – *дош*, *кўз*, *гўз*, *қуёш* – *гунеш*, *тирик* – *дири*, *бўлгай* – *ўла* ва ҳоказо (8, 90–96).

Мисол тариқасида “Оққўюнли мухлислар девони”дан олинган мана бу парчага эътибор қаратсак:

Меҳр *чўх гўрсатдим* аммо, меҳрибоне *дапмадим*,
Жон баса қилдим қилдим фидо, ороми жоне *дамадим* (11).

Биз бу машҳур ғазалнинг дастлабки байти — матлаъини сал бошқачароқ кўринишда ўқиганмиз:

Меҳр *кўп кўргуздум*, аммо, меҳрибоне *топмадим*,
Жон баса қилдим қилдим фидо, ороми жоне *топмадим*.

Бир кўринишдаёқ фарқларни яққол кўришимиз мумкин. Ғазал билан аввалдан таниш бўлмаган ўқувчи уни Фузулий, насимий ёки бирор Озарбайжон шоири қадамига мансуб деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Чунки байтдаги ажратилган сўзларда ўғуз элементлари яққол кўриниб турибди.

Шу ўринда, “Навоий даврида ягона туркий адабий тил мавжуд эмасмиди?” деган савол туғилади. Албатта, Навоий даврида ҳам, ундан аввал ҳам Олтойдан то Болқон яриморалига қадар чўзилган улкан минтақада яшовчи туркий халқлар ўнлаб лаҳжаларда сўзлашган.

Маълумки, милодий V–VIII асрларга мансуб деб қаралган Ўрхун-Энасой битиклари, шунингдек, турли ҳудудлардан топилган, турк-руний алифбода топилган битиклар ер юзидаги барча туркий халқларнинг маштарак обидаси саналади. Бу битикларни ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, озарбайжонлар ҳам, ёқут ва хакаслар ҳам ўз маданий меросининг бир қисми сифатида тан олади ва қадрлайди.

Туркий халқлар оғзаки ижодига эътибор қаратадиган бўлса, жуда кўп умумий қаҳрамонларни, ўхшаш сюжет линияларини ва ибораларни кўраимиз. Жуда кўп халқ мақоллари кўплаб туркий халқларда талаффуздаги тафовутларни айтмаганда бир хил кўринишда эга. “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Дада Қўрқут”, “Алпомиш” сингари қаҳрамонлик дostonларининг турли хил талқинлари ўнлаб туркий халқларда учрайди. Бу ҳам, барча туркий халқларнинг тарихи ягона ўзакка бориб тақалишини яққол исботлайди.

Даврлар ўтиши билан дунёнинг турли ҳудудларига тарқалиб кетган туркий халқларнинг тили, маданияти, диний қарашлари, менталитети ўзлари келиб ўрнашган ҳудудлардаги ўтроқ тил ва маданият унсурлари билан уйғунлашди. Натижада бир-биридан фарқли тил ва лаҳжалар, фольклор ва ёзма адабиёт анъаналари вужудга келди.

XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий бу халқларнинг тилидаги тафовутларни илмий асосда кўрсатиб берган эди. Бироқ Навоий даврида туркий тилдаги адабий асарлар ва ҳужжатлар араб алифбосида, бир-биридан сезиларли даражада фаркланадиган, ўғуз ва қарлуқ лаҳжаларига асосланган иккита адабий тилда битилган эди (7, 144–145).

Маълумки, XV–XVI асрларда тиллар, миллатлар ва элатлар номланиши бугунгидан кескин фарқ қилган. Навоий тилга олган ўзбек, турк, туркман атамаларининг мазмун-моҳияти ҳам бугун алоҳида миллат сифатида шаклланиб улгурган халқлар номидан анча фаркланади. Бу борада олимларимиз ўтган асрнинг 60-йиларидаёқ ўз муносабатларини билдириб кетишган.

Хусусан, Х. Дониёров бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган. Навоий замонасида ўзбек атамаси бугунгидек бутун бошли миллатни эмас, туркий қавмлардан бирининг номини аниқлаган. Навоий “ўзбек” этнонимини бир қатор байтларида қўллайди (5, 48–51).

Жумладан “Садди Исканларий” достонида ўзбекларнинг жанг санъатида катта тажрибага эга қавм сифатида эсга олади.

*Боронгор анга хайли Машириқзамин,
Самарқанддин токи садди Чин,
Яна юз минг ўзбек мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам (3, 188).*

“Турк” атамаси эса, Навоий асарида нисбатан кенгрок мазмунда қўлланган. Жумладан, у ўз асарларини турк (туркий) тилда битганини фахр билан таъкидлайди. “Муҳокаматул-луғатайн” асарида ҳам турк тилини дунёдаги энг асл ва мўътабар тиллардан бири сифатида тилга олиб, уни форс тили билан муқояса қилади, унинг афзал жиҳатларини кўрсатиб беради.

Навоийнинг замонасида ҳали “ўзбек тили” деган тушунча мавжуд эмасди. Албатта, турли қавмлар, қабилалар ўз лаҳжа ва шеваларида ўзлашганлар. Аммо ёзма адабий тил сифатида *туркий тил* термини қўлланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Андижон ҳақида сўз юритиб, “*Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элнинг лафзи қалам била ростдур. Ани учунким, Мир Алишер навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур*” деганда ана шу тилни назарда тутган эди (6, 6).

Навоий бир неча ўринда ўзи севган, минглаб байтлар битган тил ҳақида кўплаб ўринларда айтиб ўтган. Жумлани “Лисонут-тайрда ўқиймиз:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

“Лайли ва Мажнун”да у илк бор бу мавзудаги достонни туркий тилда битганини эслатади:

*Мен туркча бошлабон ривоят
Қилдим бу фасонани ҳикоят.*

Хамса таркибидаги “Фарҳод ва Ширин” достонида Алишер Навоий ўзининг салафлари ҳақида тўхталиб, Низомий Ганжавий Ганжа ва Бардаъ худудида, Амир Хусрав Дехлавий Ҳиндистонда, Абдурахмон Жомий араб ва форс ўлкаларида доврўғ таратса, туркий улус айнан унинг ўзига тегишли эканини айтади:

*Агар бир қавм, гар ўн, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ялғуз турк балки туркмон ҳам.*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий ўз асарларида ўзбек сўзини туркий қамлардан бири сифатида ишлатган, ўзи ижод қилган тилни эса, турк тили, турк назми, туркий сингари номлар билан атаган. Ҳозирги пайтда кўпчиликда “ўрта асрларда классик туркий тил барча туркий халқлар учун умумий бўлган” деган хато тушунча сақланиб қолган. Аслида бундай эмаслигини Алишер Навоий юқоридаги бир қанча мисоллар воситасида яққол кўрсатиб берган.

Ушбу мисраларни ўқиган кишида беихтиёр савол туғилиши мумкин: Нима учун Навоий бу ерда туркларни туркманлардан ажратиб кўрсатяпти? Ахир туркманлар ҳам туркий қавмлар таркибига киради-ку?

Бу қарашни бошқа ғазалларида ҳам учратиш мумкин:

*Навоий туркларни тарк қилса айб қилмонгким,
Анга бир туркман маҳваши гами маҳкам дўлошибдур (1, 111).*

Турклар ва туркманларни бир-биридан айри ҳолда кўрсатиш Навоийдан кейинги асрларда ҳам кузатилган. Масалан, Хива хони Абулғозий Баҳодирхон ҳар икки халқнинг тарихи ҳақида иккита алоҳида асар — “Шажараи турк” (Турклар шажараси) ва “Шажараи тарокима” (Туркманлар шажараси) китобларини ёзган.

Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асарида машҳур Озарбайжон шоири Имоуддин Насимийга таъриф бераркан “Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур” (2, 474), деган жумлаларни келтиради. Чамаси, Навоий Насимийнинг қаерда туғилгани ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаган. Шу боис, у шоирнинг туғилган ери сифатида географик жиҳатдан анча катта ҳудуд — Ироқ ва Румни кўрсатган эди. Кўпинча, Навоий ўз асарларида Оққўюнлилар давлатини Ироқ ва Озарбайжон номи билан тилга олади. Рум деганда эса, бугунги Туркия ҳудуди, ўша пайтдаги Усманийлар ҳудуди тушунилган. Демак, Навоий Насимий ижод қилган тил хусусиятларидан келиб чиқиб, уни айнан ўғуз тилида сўзлашувчи халқлар яшайдиган ҳудуддан етишиб чиққанини таъкидлайди.

Бугун, Озарбайжон классик адабиётининг етук вакилларида бири сифатида билинадиган Насимийнинг тили Навоий таърифига кўра *румий ва туркмоний* дея баҳоланмоқда. Дарҳақиқат, Навоий даврида *озарбайжон тили* деган тушунча бўлмаган. Озарбайжон фақат жой номи сифатида ишлатилган. Румий деганда, бу ўринда олдинги Византия, Навоий давридаги Усманийлар давлати тилини, *туркмоний* деганда эса, ўша даврда Темурийларга чегарадош яна бир туркий давлат Оққўюнлилар адабий тилини тушуниш мақсад мувофиқ.

Демак, Навоий туркий тил деганда, ўзи ижод қилган она тилини ҳам туркмоний тилдан ажратиб кўрсатган. Салжукийлар, Усманийлар, Қорақуюнлилар, Оққўюнлилар, Сафавийлар сингари сулолалар даврида битилган тарихий, илмий ва бадий асарларни ўрганиш жараёнида уларнинг тили шаклий ва услубий жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннаҳрда амалда бўлган туркий тилдан муайян даражада фарқ қилганини кўрамиз.

Турк олими Юсуф Четиндоғ ҳам “Алишер Навоий ва Усмонли шеърляти” номли монографиясида шундай ёзади: “Туркий адабиёт тарихида XV аср янги тараккиёт даври ҳисобланади. Зеро бу асрда туркий халқлар ўзларидан олдин

исломиятни қабул қилган миллатлар адабиёти билан илк маротаба рақобатлаша бошлади. Шунингдек, туркий адабиётда турли лаҳжаларда асарлар яратиш билан бирга икки томондан ривожланишга имкон очилди:

1. Шарқий туркий тил (Ўрта Осиё адабиёти).

2. Ғарбий туркий тил (Онадўли мумтоз адабиёти)” (9, 12).

Бизнингча, тил жиҳатидан Онадўли туркчасига яқин бўлган Оққўювли, Қорақўювли давлатлари даври адабий тилини ҳам иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

Машхур Ғарб олимларидан, Россияда туғилиб, кейинчалик Англияга кўчиб кетган таниқли шарқшунос Владимир Минорский (1877–1966) Қорақўювли султонларидан бўлган Жаҳоншоҳ Мирзо ижоди ҳақида ёзаркан, унинг шеърляти тили жанубий туркман шеваларига яқин экани, бу тил Озарбайжон туркчаси деб номланишини айтиб ўтади (14, 283).

Ғарбий туркий тил Усманийлар, қисман Оққўювлилар, Қорақўювлилар, Сафавийлар давлатларида асосий давлат тили ёки расмий тиллардан бири мақомини олган. Аксарият ҳолларда ҳарбий низомлар шу тилда юритилган, фармон ва қарорлар, ҳужжатлар имзоланган.

Шарқий туркий тил Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар сулоалари даврида, кейинчалик Қўқон ва Хива хонликларида, Бухоро амирлигида расмий тил мақомига эга бўлган. Замонавий ўзбек ва уйғур тилларининг ўзаги ҳам айнан қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида шаклланган шарқий турк тилига бориб тақалади.

“X–XIII асрлар давомида ўзбек ва уйғур тилларини ажратиш тўғри эмас. Қорахонийлар хонлигига қарашли Шарқий Туркистон қабилалари ва қисман чигатой улусига қарашли элларнинг сиёсий бирлиги туфайли ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшовчилар муттасил тил яқинлигига эга эдилар”, — деб ёзади рус шарқшуноси А. Шербак (10, 318).

Шу нуқтаи назардан Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаларида юзага келган адабий муҳитда ижод қилган Қутб, Атоий, Саккокий, Хўжандий, Яқиний, Амирий, Гадоий, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Бобур сингари шоирлар шарқий туркий тилда ижод қилганини айтишимиз мумкин. Бу тил турли мутахассилар томонидан эски ўзбек тили, чигатой тили сингари номлар билан ҳам аталади. Мазкур тил қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида шаклланган ва бугунги ўзбек адабий тили учун асос вазифасини ўтаган.

Ғарбий туркий-адабий тилнинг ёрқин вакиллари сифатида Юнус Эмро, Насимий, Қози Бурхонуддин, Фузулий, Мухйи, Мухибий, Улвий, Адлий сингари шоирларни тилга олиш мумкин. Мазкур тилнинг шаклланишига ўғуз қабилаларининг таъсири катта бўлган. Шу боис тарихда бу адабий тил ўғуз туркчаси, усмонли туркчаси, салжук туркчаси сингари номлар билан ҳам юритилган. Бугунги кунда бу мустақил тиллар сифатида такмоллишган турк, озарбайжон, туркман, гагауз тиллари ўғуз гуруҳига кириши кўпчиликка маълум.

Ўрта асрларда Онадўли ва Озарбайжонда шарқий туркий тил (эски ўзбек тили) асосан чигатой туркийси деб номланган бўлса, Шарқда ўғуз туркчаси — туркманий, Усманийлар даври туркчаси эса румий тил сингари номлар билан аталганини биз юқорида Навоийнинг тавсифи мисолида кўриб ўтдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу даврда ҳар икки адабий тил ўртасида катъий чегаралар бўлмаган. Шарқий туркий тил вакиллари ўз даврида ўғуз туркчаси элементларидан кенг фойдаланишган бўлса, Ғарбда ҳам эски ўзбек тили (Чигатой туркчаси)да ёзиш анъанаси вужудга келган.

Жумладан турк олими Юсуф Четиндоғ ўз монографиясида Навоий ғазаларига тахмис боғлаган 67 нафар усмонли турк шоирларини санаб ўтади. Уларнинг аксарияти ўз назираларини Навоий услубига яқин тилда, эски ўзбек

тилида ёзишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Алишер Навоий билан бир пайтда яшаган усмонли шоири Жамилийнинг бир байтига эътибор қиламиз:

*Кўзларинг гар қон қилур ўлмак нишонидур манга,
Лаъли жонбахшу ҳаёти жовидонийдур манга.*

Яна бир турк шоири Аҳмад Пошо ижодидан ҳам намуна келтириб ўтамиз:

*Шаккар лабингки, жонга ажалдан амон берур,
Ширин эмаски, кўнглим анга қариши жон берур (4, 96).*

Худди шу даврда Оққўюнлилар давлатида яшаган Неъматуллох Кишварийда ҳам Навоий ижодидан баҳрамандлик ва унинг услубига интилиши кузатилади.

*Эй сочи сунбул, юзи лола, кўзи оҳу бало,
Бўлди сенсиз рўзгорим тийраву бахтим қаро (16, 100).*

Маълумки, озарбайжон, турк адабий тилларида, ўтмишдаги ғарбий туркий тилда: *қилур, берур, эмас, бўлди* сингари сўзлар *эдар, верир, дегил, олду* тарзида берилади. Бироқ юкоридаги номи зикр этилган шоирлар бу анъанани бузиб, имкон даражасида Навоий ижодига яқин услубда ёзишган. Бир сўз билан улар айнан шарқий туркий тилда ижод қилган дейишимиз мумкин.

Кейинчалик Озарбойжон шоири Шоҳ Исмоил Хатойй, туркман шоирлари Залилий, Озодий, (12, 16) қорақалпоқ шоири Ажиниёз ва бошқа кўплаб туркий халқлар адабиёти вакиллари шарқий туркий тилда, ёки унинг таъсирида ижод қилганини кўрамиз.

Жумладан, Шоҳ Исмоил Хатойй шеърларида айнан шарқий туркий тил — эски ўзбек тили унсурлари яққол сезилиб туради:

*Ғам еманг, кўнглимки, маскан билди ишқинг кунжсини,
Гарчи ул вайронани ҳижрон хароб этмишидурур (17, 58).*

Ўз навбатида Шарқдаги туркийгўй шоирлар ижодида ҳам ғарбий турки тиллар, Навоий таъбири билан айтганда, румий ва туркманий тиллар таъсирини кўриш мумкин.

Масалан Атойидан ўқиймиз:

*Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур?*

Ёки Лутфийнинг ушбу байтида ҳам ўғуз элементлари учрайди:

*Жину малаку ҳур чаман ичра кўрунмас,
Юзунг ойидин барчаси шарманда дагулму? (13, 26)*

Алишер Навоий ижодиётида ҳам ўғуз туркчаси унсурларидан ўз ўрнида ва маҳорат билан фойдаланилганини кўрамиз.

*Ўқ киби қаддин кўруб афтода чун кўр ўлмадинг,
Эй Навоий, кўзларингда нўғи пайкон истарам (18).*

Кейинчалик, Фузулий таъсирида Қўқон хонлиги адабий муҳитига Ғарбий туркий тил анъаналари кириб келди. Нодира, Амирий, Увайсий, Анбар Отин, Адо, айниқса Муҳаммад Алихон (Хоний) ижодида ўғуз тиллари таъсирини яққол сезиш мумкин. Ҳолбуки, Фарғона водийси шеваларида ўғуз лаҳжаси унсурлари камдан-кам кузатилади. Хон тахаллуси билан шеърлар ёзган Нодиранинг ўғли Муҳаммад Алихон ижодидан олинган мана бу байт ҳам фикримизни исботлайди:

*Гежа ўлдуқча фалак ера бурохса гунашин
На ажаб шаъшаъаи меҳри дурафшонингдин.
Бир ёлон сўз ила чўх инжима, эй моҳлиқо,
Ишқ мулкени мусаххар эдажак Хонингдин (19).*

Қўқон адабий муҳитида ғарбий туркий тил унсурларидан фаол қўлланилиши бу ерда ўша даврларда Навоий билан бир қатор Фузулий ижодий анъаналарига изчил амал қилинганини яққол кўрсатади. Аҳолиси асосан ўғуз лаҳжасида сўзлаган Хива хонлигида эса, барча ҳужжатлар, адабий ва тарихий асарлар шарқий туркий тилда — эски ўзбек тилида юритилган. Огаҳий, Мунис, Рожий, Феруз, Баёний сингари Хоразм адабий муҳити вакилларининг ижодида ғарбий туркий тил унсурлари деярли учрамайди.

Юқоридаги мисоллар ҳар икки туркий тил намояндалари бир-бирига ҳавас қилгани, бир-биридан илҳом олгани, ҳар бир тилдаги бадиий ижод намуналарида иккинчисининг бевосита таъсири бўлганини кўрсатади.

Шу билан бирга туркий мумтоз адабиёт тарихида ғарбий тилда ижод қилган шоирларнинг асарлари шарқ котиблари томонидан шарқий адабий тилга мослаштирилган тарзда кўчирилган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, Навоий юқорида тилга олинган “Насойимул-муҳаббат”да Насимий қаламига мансуб байтни имкон қадар Шарқий туркий тилда баён этишга уринади:

*Эй, Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,
Кўй, терингни сўйса сўйсун бу палид қассоблар (2, 489).*

Насимийга тегишли бўлган девонларда бу парча куйидаги кўринишда берилган:

*Çün Nəsimi cavidani yar ila buldu vüsal,
Qoy neca dönərsə dönsün bu yəşil dulablar (15, 312).*

Бугунги бир қанча туркий тилларнинг асосини ташкил қилувчи қипчоқ лаҳжаси ҳам ўзининг луғавий бойлиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, қисман ўзбек адабий тилининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган қипчоқ лаҳжасида минг йиллар давомида халқ оғзаки ижодининг бир қатор бетакрор намуналари, “Манас”, “Едигей” сингари дostonлар, ўланлар, эртақ ва афсоналар яратилган. Аммо бу тиллардаги ёзма адабиёт нисбатан кечроқ ривожланган. Шу боис, бугунги қипчоқ гуруҳига кирувчи туркий тилларда яратилган илк ёзма адабий ёдгорликлар асосан шарқий туркий тилда яратилганини кўришимиз мумкин.

Биз ушбу мисоллар орқали нима демоқчимиз? Яъни ўша даврларда бир адабий муҳитда машҳур бўлган ижод намуналарини бошқасида ўша худуднинг адабий тили ва услубига мослаштириб кўчириш, тарқатиш одат саналган. Буни қайсидир маъносида ўзаро яқин, қардош тиллар доирасидаги илк бадиий таржималар деб баҳолаш мумкин.

Шу маънода туркий шеърятнинг энг йирик вакили Алишер Навоийнинг ижоди ўша даврдаги бошқа туркий мамлакатлар, жумладан Усмонийлар ва Оққўюнлилар давлатига кириб боргани, бу юртлардаги адабий муҳитга катта таъсир кўрсатиши табиий ҳол эди. 30 ёшга кириб улгурмаган Навоийнинг Ғазаллари Оққўюнлилар давлатига кириб бориши, унинг асарлари шу мамлакат адабий тилига табдил қилинган ҳолда кўчирилиши ҳам Алишер Навоий ижодига у яшаган макондан ташқарида жуда эрта бошланганидан далолат беради.

Хулоса. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий яшаган даврда ўнлаб, юзлаб туркий қавм, қабила ва уруғлар мавжуд бўлса-да, ҳар бир қавмнинг ўз ёзма тили мавжуд эмасди. Улар кундалик эҳтиёж учун, қабилаларо мулоқот тили, ёзма тил сифатида, жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, шарқий ёки ғарбий туркий тиллардан биридан фойдаланилган. XVIII–XIX асрларгача туркий тилдаги барча илмий, диний ва бадий асарларни, ҳужжатларни ҳам фақат шу икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Алишер Навоий ҳам бу тафовутни яхши тушунган, у ўз асарларида бу икки гуруҳга мансуб халқлар ва тилларни турк ва туркмонга ажратган. Навоий туркмоний тилда битилган байтларни икон даражасида, ўз ўқувчиларига етарли даражада тушунарли бўлиши учун туркийлаштириб — шарқий туркий тилга мослаштириб беради. Шу билан бирга Навоийнинг асарларини ҳам ғарбий туркий тилда сўзлашувчи мухлисари ўз лаҳжаларига мослаштириб кўчиришган.

Биз бу тадқиқот орқали бугунги туркий адабий тилларнинг шаклланиш тарихи ва жараёнларини ўрганишда, хусусан бу жараёнларнинг Алишер Навоий ижодидаги таъсирини ўрганишда муносиб ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. — 5-жилд. Хазойинул-маоний. — Тошкент: Фан, 1990. — 528 б.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. — 17- жилд. Насомиул-муҳаббат. — Тошкент: Фан. 2001. — 584 б.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. — 11-жилд. Садди Искандарий. — Тошкент: Фан. 1996. — 728 б.
4. Аҳмад Пошо. Девон. Нашрга тайёрловчи Р. Рўзмонова. — Тошкент: Академнашр. 2011. — 360 б.
5. Дониёров Х. Алишер Навоий асарларида “турк”, “ўзбек” ва “туркман” терминларининг қўлланилиши. — “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали, 1968 йил №9. 64 б.
6. Бобур З. М. Бобурнома. — Тошкент: Юлдузча. 1989. — 368 б.
7. Жабборов Р. Алишер Навоий ижодининг туркий адабий тилларга таъсири // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги 26-Республика илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. — Тошкент: Фан. 2019. — Б.144–145.
8. Жабборов Р. Алишер Навоий ва Оққўюнлилар даври адабиёти // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни мавзусидаги 3-анъанавий халқаро конференция материаллари. Тошкент: Фан. 2019. — Б. 90–96
9. Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шеърятини. — Тошкент: Мухаррир, 2011. — 256 б.

10. Шербак А. К истории узбекского литературного языка древнего периода. — Москва: Наука. 1953. — 318 с.
11. Эркинов А. Дунёда ягона қўлёзма (Алишер Навоий ихлосмандлари томонидан тузилган янги девони топилди). / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, — №7. 17 февраль. 2012 йил, — Б. 1–6.
12. Яғмур О. Махтумқулинома. Туркман тилидан М. Аҳмад, Р. Жаббор таржималари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2016. — 256 б.
13. Ўзбек мумтоз поэтикаси фанидан маърузалар матни. Тузувчи Абдуллаев Х. — Нукус: Қорақапоқ давлат университети. 2017. — 98 б.
14. Minorsky V. Jahanshah Qara Qoyunlu and his Poetry // Tutrmenica, 9. Bulletin of the school of Oriental and African Studies, University of London. – 1954. V16 p 308.
15. Nəsimi. İ. Seçilmiş əsərləri. 2-cild. Bakı. Lider. 2006, — 378 s.
16. Nağyeva C. Azərbaycanda Nəvai. Bakı. Tural-E. 2001. — 264 б.
17. Xətai. Seçilmiş əsərləri. Bakı. — Nurlan. 2004. — 388 s.
18. http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/badoyi_ul_bidoya_birinchi_tom/gazallar/gazallar_501_600/
19. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1165-kitob.html>

References

1. Alisher Navoi, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.5, Khazoiinul-maonii, Tashkent: Science, 1990, 528 p.
2. Alisher Navoi, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.17, Nasomiul-muhabbat, Tashkent: Science, 2001, 584 p.
3. Alisher Navoi, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.11, Saddi Iskandarii, Tashkent: Science, 1996, 728 p.
4. Ahmad Posho., *Devon* (Devan), Preparing for publication R. Ruzmonova, Takshent: Akademnashr, 2011, 360 p.
5. Donierov Kh. *Uzbekistonda izhtimoi fanlar*, 1968. No. 9, 64 p.
6. Bobur Z. M. *Boburnoma*, Tashkent: Asterisk, 1989, 368 p.
7. Zhabborov R., *Alisher Navoi izhodii merosining umumbashariyat ma"navii-ma"rifii taraqqietidagi urni mavzusidagi 3-an"anavii khalqaro konferentsiya materiallari*, Tashkent: Science, 2019, pp. 144–145.
8. Zhabborov P., *Alisher Navoi izhodii merosining umumbashariyat ma"navii-ma"rifii taraqqietidagi urni mavzusidagi 3-an"anavii khalqaro konferentsiya materiallari*, Tashkent: Science, 2019, pp. 90–96.
9. Chetindog Yu. *Alisher Navoi va Usmonli she"riyati* (Alisher Navoi and Ottoman poetry, Tashkent: Editor, 2011, 256 p.
10. Sherbak A., *K istorii uzbekskogo literaturnogo yazyka drevnego perioda* (On the history of the Uzbek literary language of the ancient period), Moscow: Science, 1953, 318 p.
11. Erkinov A., *Uzbekiston adabietini va san"ati* 2012. No. 7, pp. 1–6.
12. Yagmur O., *Makhtumqulinoma*, From Turkmen language Ahmed M., Jabborov R. Translations, Tashkent: Uzbekistan 2016, 256 p.
13. *Uzbek mumtoz poetikasi fanidan ma"ruzalar matni* (The text of lectures on the subject of Uzbek classical poetics), Developer Abdullaev X., Nukus: Karakapak State University, 2017, 98 p.
14. Minorsky V., Jahanshah Qara Qoyunlu and his Poetry, Tutrmenica, 9. Bulletin of the school of Oriental and African Studies, University of London, 1954. Vol.16, 308 p.
15. Nəsimi. İ., *Seçilmiş əsərləri* (Selected works), (Selected works) Vol.2, Bakı: Lider, 2006, 378 p.

16. Nağyeva C., *Azərbaycanda Nəvai* (Navai In Azerbaijan), Bakı: Tural-E. 2001, 264 p.
17. Xətai., *Seçilmiş əsərləri* (Selected works) Bakı: Nurlan, 2004, 388 p.
18. http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/badoyi_ul_bidoya_birinchi_tom/gazallar/gazallar_501_600/
19. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1165-kitob.html>